

Илмий манҳажнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар (Салафийлик 3)

05:00 / 13.03.2017 3594

Биринчи боб

Илмий манҳажнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар

(унинг қисқача таърифи билан)

Расулulloҳ с.а.в асҳобларига хос бўлган икки хусусият

Икки хусусият борки, Расулulloҳ с.а.в асҳоблари улар билан сифатлангандир. Ана шу сифатлар кейинги асрларда аста – секин йўқолиб борди. Улардан кейин келган мусулмон гуруҳларидан биронтаси ҳам ана шу сифатларнинг ҳеч қайсинисига эга бўлолмади. Худди мана шу икки устунлик, Расулulloҳ с.а.в саҳобаларини ақида асослари ҳамда ҳукмлар тафарруъотини билишда иттибоъ қилишга доир бўлган ҳар қандай илмий манҳажни ҳакам санашдан беҳожат этган эди. Гарчи бу манҳаж, Аллоҳнинг китоби ва Расулulloҳ с.а.в суннатларидан олинган бўлса ҳам. Бу сўзимиз исботини -айниқса -ислом умматининг биринчи асрида яққол кўриш мумкин.

Бу икки устунлик қуйидагилардир.

Биринчиси: уларнинг маъно англашда ажамларга хос бўлган нуқсонлардан холи бўлмиш соф, табиий араб тилига эга эканликлари

Иккинчиси: саҳобаларнинг Илоҳий фармонларга нисбатан уларни тараддудсиз таслимиятга ундовчи соф, исломий фитрат эгаси эканликлари

Маълумки, Китоб ва Суннатдан ҳукм истинбот қилишда бирор мезонни ҳакам қилишга ундовчи эҳтиёжлар иккитадир. Биринчи эҳтиёж- бу кишининг араб тили ва унинг адабиётини билишдаги заифлигидан келиб чиқадиган эҳтиёждир. Иккинчиси эса, шахсларнинг уни тушунишга ҳаракат қилаётган нарса атрофидаги турлича қарашлар ҳамда талашиб-тортишувларидан келиб чиқадиган мунозара ва баҳс сабабли пайдо бўлган эҳтиёждир. Мана шу иккала сабабнинг бирортаси ҳам саҳобалар асрида йўқ эди. Саҳобалар р.а жамоасидан меъзон ёки манҳажни тақозо этадиган эҳтиёжлардан биринчисини қидириб топиш иккинчисини қидириб

топишдан ҳам мушкул эди. Бунга қўшимча қилиб яна шуни айтиб ўтиш мумкинки, саҳобалар феълан дуч келадиган, унга нисбатан бериладиган диний ҳукми билиш эҳтиёжи билан ақллари машғул бўладиган диний масалалар анча кам ва маҳдуд эди. Кўпинча бундай масалалар, Қуръон ва Суннатда ворид бўлган маъноси очиқ наслар доирасидан ташқарига чиқмас эди. Юқоридаги маълумотлардан биз, ижтиҳод ва истинбот учун уни ҳакам қилинадиган бирон илмий меъзон қидиришдан ҳижрий биринчи аср мусулмонларини беҳожат қилган муҳит ҳақийқатини билиб олдик.

Зеро улар, модомики Қуръон ва Суннатдаги очиқ-ойдин далиллар каби уни ҳакам қилиш имкони мавжуд бўлган нарса бор экан, асло мунозарага кирмас эдилар. Уларда луғавий малака ва арабий завқ борасида ҳеч қандай ожизлик йўқ эди. Шунинг учун саҳобалар, ҳукмларни билишда ундан кўмак оладиган миқёс ёки манҳажни ушлашга уларни мажбурлайдиган бошқотирувчи ҳайронлик ҳолатига тушиб қолмадилар. Вақти келиб футуҳот ва шу каби нарсалар сабабли уларнинг атрофида янги-янги ҳодиса ва янги-янги ишлар кўпайиб кетди. Ва натижада бу янги ҳодиса ва ишлар саҳобаларни қиёс ҳамда раъй салтанатидан ёрдам олишга муҳтож қилиб қўйди. Ундан ташқари саҳобаларда, нафс ва шубҳаларга бўйсунмас, уларнинг қалбларидан отилиб чиққан кучли иймон қуввати бор эди. Улар ўзларидаги мана шу кучли иймон ёрдамида бошқа наслар ва муташобих лафзлар қаршисида сўзсиз таслим бўлиш фазилатини касб этдилар. Ваҳоланки тафаккур ва ижтиҳод эгаларининг кўплари ана шу муташобих лафзлар (ёки оятлар) сиррини билиш ва улардан ирода қилинган ҳақийқатни билишга ўч бўладилар. Муташобих оят ва лафзлар қаршисида саҳобалар қалбларининг тубига ўрнашган, кучли иймонларига муносиб бўлган нарса, ўша муташобихларга нисбатан Аллоҳ таоло айтгани ва ирода қилганидек иймон келтирмоқлик эди. Сўнгра уларга ҳеч қандай таътил ва таъвилсиз (яъни, оят ва лафзларни амалсиз ташлаб қўймаслик ёки уларни бошқа маъноларга бурмаслик), ташбих ва такйифсиз (яъни, Аллоҳни махлуқларга ўхшатмаслик ва Унга улардаги каби кайфият бермаслик) иқрор бўлиш ҳам саҳобалар иймонига лойиқроғи эди.

Мазкур сабабларга кўра ҳам саҳобалар орасида диний масалаларда раъйни ёмон кўриш кенг ёйилган. Зеро уларнинг замонасида динда раъй билдириш кераксиз чуқур кетишлик, ўзини уринтириш ва фойдасиз нарсаларга вақт исроф қилишдан ўзга нарса эмас эди. Динда раъй билдиришнинг кароҳияти ҳақида ворид бўлган асарлар жуда ҳам кўп ва машҳурдир. Бу ўринда уларни келтириб ўтиш ёки эслатишга эҳтиёж йўқдир. Нассларга бўлган бу тарздаги ёндашув саҳобалар асри охирига

қадар давом этди. Чунки ўша даврдан бошлаб янги омиллар пайдо бўла бошлади ва улар жамият орасида кенг ёйилди.

Аммо бу аср бошларида динда раъй билдириш ёки бу хусусда ўзгалар раъйини қўзғаш тарафига ҳеч ким бош урмади. Шу сабабдан раъйдан огоҳлантириш, унинг кароҳиятини эълон этиш ва раъйдан ҳамда унинг аҳлидан нафратлантиришга эҳтиёж ҳам бўлмади.

Динда кўп савол беришдан бўлган қайтариқ масаласига келсак, уни умумий деб тушунмоқлик хатодир. Чунки саҳобалар р.а савол беришдан бутунлай тийилмаган ва савол сўрашдан мутлоқ тарзда қайтарилмаган эдилар.

Бу масала борасида тўғри фикрни Қози Абу Бакр ибн Ал-Арабий билдирган. Ибн Ҳажар р.а ҳам “Фатҳул Борий” китобларида ушбу фикрни қувватлаган. Айтиб ўтилган фикрнинг хулосаси қуйдагича, асарларда келган савол беришдан бўлган қайтариқ, Шориъ унинг ҳукми ҳақида сукут қилган ишларга оид саволлар ҳақидадир. Дарҳақиқат, ваҳий нозил бўлиб турган ва Расулуллоҳ с.а.в улар орасида ҳаёт бўлиб турган пайтда турли саволлар беравериш беҳуда уриниш ва хали вақти етиб келмаган ишни олдиндан шошилтириш бўлади холос. Зеро, Шориъ ваҳий нозил бўлиб турган бир замонда қайси нарса ҳақида сукут қилган бўлса, билингки буни ўз бандалари учун кенглик ва уларга марҳамат нуқтаи назаридан қилган бўлади. Дарҳақиқат, барча нарса аслида мувоҳидир. Агар Шориъ нарсанинг аслий ҳукмини ўзгартирмоқчи бўлса, албатта уни ўз ичига олган ваҳий нозил қилади.

Имом Бухорий хазратлари Саъд ибн Абу Ваққос р.а орқали ривоят қилган марфуъ ҳадисда **“Дарҳақиқат, мусулмонлар (орасида) гуноҳи каттароғи - ҳаром қилинмаган нарса ҳақида савол бериб, (ўша нарса) унинг саволи туфайли ҳаром қилинишига сабабчи бўлган кишидир.”** дейилган. Дароқутний, Абу Саълаба р.а орқали ривоят қилган марфуъ ҳадисда эса, **“Албатта, Аллоҳ (сизларга шундай) мажбуриятларни фарз қилдики, уларни (амалсизлик билан) зоеъ қилманглар; чегаралар белгиладикки, уларга тажовуз этманглар; (баъзи) нарсалар ҳақида -унутишдан эмас, балки сизларга (бўлган) марҳамати ўлароқ- сукут қилдики, улар(нинг ҳукмини) изламанглар.”** дейилади. Мазкур ҳадислар юқорида биз айтиб ўтган маънога далолат қилади.

Яна шундай савол турлари борки, улар ҳам таъқиқланган саволлар туркумига киради. Балки уларга бўлган таъқиқ янада қаттиқроқ ва бундай таъқиқга лойиқроқдир. Шориъ насс орқали, унга унинг қандайлиги ҳақида баҳсга кирмасдан, ўзи хабар берганидек иймон келтиришга амр қилган нарсалар (Аллоҳнинг сифатлари каби) хусусида савол бериш ана шундай турдаги саволлар туркумига киради. Савол бериш таъқиқланган масалалардан яна бири; шундай нарсалар борки, улар ҳақида хабарларда ворид бўлган, аммо улар ҳис қилиш қобилияти орқали билинадиган нарсалар доирасига кирмайди. Ҳатто “хаёллар жавонида” ҳам уларнинг мисоли йўқдир. Бундай саволларга руҳ, қиёмат кунида жасадларнинг қандай ҳашр бўлиш кайфияти ва шунингдек Қиёматга доир кўплаб хабар ва ҳодисалар ҳақидаги саволлар мисол бўлади. Бу каби саволларнинг жавобини билишнинг ягона йўли нақлдир. Уларнинг тафсилотини билишда ёлғиз ақл учун йўл йўқдир. Имом Бухорий р.а Абу Ҳурайра р.а орқали марфуъ ҳолда қилган қуйидаги ривоятлари ҳам ҳудди мана шу ҳақиқатга далолат қилади. Мазкур ривоятда Расулуллоҳ с.а.в: **“Инсонлар ўзаро (кераксиз) саволлар беришдан, токи “хўш, махлуқларни Аллоҳ яратган бўлса, у ҳолда Аллоҳни ким яратган?” дегунларига қадар, тўхтамайдилар.”** деганлар. Ҳадиси шарифда билдирилатган бу хабар, ана шу тарздаги саволларнинг ноўрин эканлигини билдириш маъносида айтилганлиги барчага маълумдир.

Аммо бундан ташқари, эҳтиёж юзасидан саволлар бериш матлубдир. Масалан; насс далолат қиладиган нарсани аниқлаш мақсадида савол бериш; насснинг бирор ҳукмга далолат қилишида, усул фикҳ илмида санаб ўтилган далолат йўлларида бирини топиш имконияти ҳақида савол бериш; уни билишга муҳтож бўлиб туриладиган, ҳукми нассда келмаган эътиқод ёки сулук бобидаги нарсалар ҳақида савол бериш кабилар. Бу каби нарсаларни сўраб ўрганиш, нафақат матлубдир, балки вожибдир. Саҳобалар р.а бундай нарсалар ҳақида, Расулуллоҳ с.а.в га ҳеч қандай ноқулайликсиз савол берар, унинг тафсирини сўрар эдилар. Саҳобалар р.а Пайғамбаримиз с.а.в дан чорвани қамиш билан сўйиш ҳукми, амирлар ноҳақ ишга амр қилганларида итоат қилиш вожиб ёки вожиб эмаслиги ҳақида, Қиёмат куни ва ундан олдин бўладиган қон тўкилиш ҳолатлари ҳамда ўша чоғда мусулмон киши нима қилмоқлиги лозимлиги, меросга доир бўлган “калола”, маст қилувчи ичимлик, қимор, “(уруш қилиш) ҳаром саналган ойлар”, етимлар билан қандай муносабатда бўлиш, ҳайз ҳолати, ов ва бошқа нарсалар ҳақида савол берар эдилар. Бундай тарздаги саволларни берувчилар маломат қилинмас, балки уларнинг юқоридаги каби саволларни бериб туриши уларнинг мақталишига боис бўлар ҳамда

Ўша шахсинг диний ишларда нақадар эътиборли эканлигига далил ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам Оиша р.а –саҳиҳ ҳадисда ворид бўлишича- ансор аёлларни мақтаганлар. Чунки ҳаё динлари(га оид) ҳукмларни сўрашдан ансор аёлларни манъ қилолмади.

Аммо Нубувват ҳайбати ва саҳобалар ўз Пайғамбарлари с.а.в билан қиладиган муомалаларида ўзгалардан ажралиб турадиган юксак даражадаги одоб, уларнинг орасини биров пардалаб турар эди. Шу боис, улар ҳатто марғуб саналган саволларни ҳам бемалол бера олмас эдилар. Ушбу зикр қилинганлар собит ҳақиқат бўлиб, у таъкид ва далил келтиришга муҳтож эмас. Зеро Расулуллоҳ с.а.в саҳобаларининг шаъни, ул зот .с.а.в билан бўладиган мана шундай одобни тақозо қилар эди. Бирорта ҳам ақлли киши йўқки, ушбу ҳайбатнинг мавжудлигини идрок этмасин, гарчи у энг тубан савиядаги фикрий тасаввур ва шуъурий завқга эга бўлса ҳам.

Саҳобалар р.а нинг Расулуллоҳ с.а.в ҳузурларига аъробий жамоати элчиларининг келишларини кутишликлари сабаби ҳам мана шудир. Аъробийлар келгач, улар билан биргаликда Расулуллоҳ с.а.в мажлисларига кириб ўтирардилар. Савол-жавоблардан илмий манфаат топиш учун аъробийларнинг диний ишлар ва Қуръон маъноларига доир саволларига Расулуллоҳ с.а.в тарафларидан бериладиган жавобларни бор эътиборлари билан тинглашар эди. Чунки савол ташлаш ва тортинмасдан истаган нарсалари тафсирини сўрашда аъробийлар саҳобалардан кўра журъатлироқ эдилар.

Анас р.а нинг “Саҳройилардан бўлган оқил кишининг (Расулуллоҳ с.а.в ҳузурларига) келиб, савол бериши ва биз эса унинг (жавобини) тинглашимиз бизга жуда ёқиб тушар эди” деган хотираларини икки шайх ривоят қилганлар. Имом Аҳмад “Муснад”ида Абу Умома р.а дан қилган ривоятда шундай дейилади: **“Эй иймон келтирганлар! Ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар. Агар зоҳир бўлса, сизга ёмон бўлади. Агар Қуръон нозил қилиниб турган чоғда сўрасангиз, сизга зоҳир бўлади. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни авф қилган эди. Аллоҳ мағфиратли ва ҳалим зотдир.”** (Моида сураси; 101оят) ояти нозил бўлгач, биз Расулуллоҳ с.а.в дан (ҳар хил нарсаларни) сўрайверишдан қўрқиб қолиб, бир аъробийга бордик ва уни (ёпинчиқ каби) бурда эвазига “сотиб олиб”, Расулуллоҳ с.а.в дансўраб берсангчи.” дер эдик.” Абу Яъло р.а, Баро ибн Озиб р.а дан қилган ривоятда "Бирор нарса ҳақида Расулуллоҳ с.а.в дан сўрамоқчи бўлардимۇ, бир йил ўтса ҳам, (ул зот с.а.вдан) камоли

хайбатлари туфайли (сўрай олмасдим). Аъробийлар (биз савол беролмаётган нарсаларни Расулуллоҳ с.а.в дан) сўрашлари учун уларнинг келишини кутар ва аъробийлар саволлари жавобларини эшитиб, ундан истифода қилар эдик.”.

Биз баён қилиб ўтган нарсалардан маълум бўлмоқдаки, Расулуллоҳ с.а.в асҳоблари ҳаётида тажаллий топган мазкур устунликлар уларни далил келтириш ва истинбот қилиш борасидаги илмий манҳаж ҳакамлигидан беҳожат қилди. Улар бирор илмий манҳажни асос ёки йўл қилиб, унга боғланиб қолмадилар, ваҳоланки улар мусулмон эдилар. Улар нафақат оддий мусулмон, балки- Аллоҳнинг фазли ила-улардан кейин келганларга нисбатан бир қанча устунликларга эга бўлган мусулмон эдилар. Биз эслаб ўтганимиздек, саҳобалар раъй соҳасидан йироқ, Расулуллоҳ с.а.в тарафларидан қабул қилиб олинган ғайб хабарлари ва маънолар сирри ҳақида чуқур кетмайдиган ва ана шундай ўринларда ҳеч қандай таътийл ва ташбиҳсиз наслар зоҳирида тўхтайдиган, эҳтиёж пайдо бўлмаган мавзуларда савол ва изоҳлар сўрамайдиган зотлар эди. Мен ҳам айтаманки, “Ҳа, уларнинг хусусияти мана шу эди. Аммо улар, ҳолатлар ўзгаруви ҳамда омил ва сабаблар алмашувчи натижасида шундай ҳолат ёки шундай даврни ҳам бошдан ўтказдиларки, улар энди биз юқорида мисол келтириб ўтган каби масалаларда ижтиҳод ва мубоҳаса қила бошладилар. Замонлар ўтиб уммат орасида биз айтиб ўтган устунликлар камайиб, йўқолиб бораверди. Хўш, саҳобалар даврининг иккинчи ярмида ривожланиб борган, аммо илк даврларда мавжуд бўлмаган ана шу ҳолатлар қандай ўзгарди? Уларни ижтиҳодга мажбурлаган янгиланиб борувчи омиллар нималар эди?

Аллоҳнинг тавфиқи ила, энди уларнинг баёнини қилишга киришамиз.